

# Ойлик

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,  
1434, Сафар, 2-сон





بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ҚИЛАЁТГАН ХУКМЛАРИ  
НАҚАДАР ЁМОН!

3

ЗИЙНАТ



9

МЎМИННИНГ ҒАМИ НАМОЗ



11

СЕҲР ВА ФОЛБИНЛИККА  
ИШОНИШ ИЙМОННИНГ  
ЗАИФЛИГИДАН

18

ЭРНИ ЭР ҚИЛАДИГАН  
ҲАМ ХОТИН...



20

ФИРЪВН САРОЙИДАГИ  
ЧАҚАЛОҚ



23

НЕГА КЎП ЕЙМИЗ?

25

МЕВАЛИ ГАЛЕТЛАР



27

«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ  
ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

Одинахон Муҳаммад Юсуф  
Дилафруз Юсупова  
Гўзал Дадамұхамедова  
Муяссар Қаюмова  
Ирода Аҳмедова  
Назокат Қосимова  
Гулшода Мўминова  
Зарнигор Аҳмадалиева  
Умму Муҳаммад Билол

Дизайнер Равшан Маликов

Электрон манзил: [muslimalar1@gmail.com](mailto:muslimalar1@gmail.com)



# ҚИЛАЁТГАН ҲУКМЛАРИ НАҚАДАР ЁМОН!

(Ушбу сонда Анъом сурасининг 136-140-оятларининг тафсирини эътиборингизга ҳавола қиламиз).

وَجَعَلُوا لِلَّهِ مِمَّا ذَرَأَ مِنَ الْحَرْثِ وَالْأَنْعَامِ نَصِيبًا  
فَقَالُوا هَذَا لِلَّهِ بِرِزْقِهِمْ وَهَذَا لِشُرَكَائِنَا فَمَا كَانَ  
لِشُرَكَائِهِمْ فَلَا يَصِلُ إِلَى اللَّهِ وَمَا كَانَ لِلَّهِ فَهُوَ  
يَصِلُ إِلَى شُرَكَائِهِمْ سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿١٣٦﴾

Аллоҳга Унинг Ўзи яратиб, таратган экинлар ва чорвалардан насиба ажратиб, ўзларича: «Бу Аллоҳга, бу эса «шериклар»имизга», дедилар. Бас, «шериклар»ига бўлган нарса Аллоҳга етмас. Аллоҳга бўлган нарса эса «шериклар»ига етадир. Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон!

Анъом сурасининг ушбу ояти каримасида ва ундан кейин келадиган оятларда соф Ислому ақийдасига ва шариату кўрсатмаларига эга бўлмаган одамлар қанчалик адашишлари, залолатга кетишлари мумкинлиги яққол кўринади.

Араб мушриклари уларнинг вакиллари ҳисобланадилар. Уларнинг экинлардан, чорва ҳайвонларидан Аллоҳга насиба ажратиш одатлари бор эди.

«Аллоҳга Унинг Ўзи яратиб, таратган экинлар ва чорвалардан насиба ажратиб, ўзларича: «Бу Аллоҳга, бу эса «шериклар»имизга», дедилар».

Шу билан бирга, бутларига ҳам ўша экинлардан ва чорва ҳайвонларидан насиба ажратар эдилар. Агар Аллоҳга ажратган нарсалари бутларига ажратган нарсаларига қўшилиб кетса, майли, деб кўяр эдилар. Аммо бутларига ажратган насибадан Аллоҳга ажратилганига қўшилиб кетса, Аллоҳ бунга мухтож эмас, деб, қайтариб олишарди.

Бу иш аслида мантқиқсиз, кўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, ахлоқона иш эди. Дунёдаги ҳамма нарсаларни, шу жумладан, экинлар ва ҳайвонларни ҳам Аллоҳнинг Ўзи яратган. Қандай қилиб улардан ўз Холиқиға насиба ажратилади?! «Бу Аллоҳга, бу эса бутларимизга», дейишлари нимаси? Уларнинг бу амаллари нотўғри.

«Бас, «шериклар»ига бўлган нарса Аллоҳга етмас. Аллоҳга бўлган нарса эса «шериклар»ига етадир».

Уларнинг ҳамма чиқарган насибалари бутларига етади. Яъни Аллоҳга насиба деганлари ҳам, бутларимизга насиба деганлари ҳам – ҳаммаси бутларга етади. Ҳамма қилган сарфлари гуноҳга кетади.

«Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон!»

Бунга ўхшаш ишлар ҳар замонда, ҳар маконда, соф Ислому бўлмаган жамият ва даврларда бордир.

وَكَذَلِكَ زَيْنَ لِكَثِيرٍ مِنَ الْمُشْرِكِينَ  
قَتَلَ أَوْلَادِهِمْ شُرَكَائِهِمْ لِيُرِدُوهُمْ وَلِيَلْبِسُوا عَلَيْهِمْ  
دِينَهُمْ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا فَعَلُوهُ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتُرُونَ ر

Шунингдек, мушриклардан кўпларига «шериклари» уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун болаларини ўлдиришни чиройли кўрсатди. Агар Аллоҳ хоҳласа, уни қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқийётган нарсалари ила қўйиб қўй!

Бу эса аввалгисидан ҳам кўра тубанроқ ишдир. Ушбу оятдаги «шериклар»дан мурод инс ва жинларнинг шайтонларидир. Қуръон нозил бўлаётган даврда араб мушрикларида очликдан ҳадиксираб ёхуд асирга тушиб қолса, ор-номусдан уялиб қолмаслик учун қиз болаларни кичиклигидаёқ тириклай кўмиб юбориш одати бор эди.

«Шунингдек, мушриклардан кўпларига «шериклари» уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун болаларини ўлдиришни чиройли кўрсатди».

Бу ишни уларга шериклари чиройли кўрсатар эдилар. «Яхши қилдинг, бу қиз катта бўлса, битта нонхўр кўпаяр эди», «Агар катта бўлганда асир тушиб қолса борми, душманлар уни зўрласалар, у қилсалар, бу қилсалар, сенга ор-номус келтирарди», деб кўрқитар эдилар.

Шунингдек, уларда ўғил болаларни ҳам назр сифатида қурбонлик қилиш одати бор эди. Мисол учун, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боболари Абдулмуттолибнинг «Ўнта ўғил кўрсам, бирини қурбонлик қиламан», деб назр қилгани, ўнта ўғил кўргандан кейин қайси бирини қурбонлик қилишни билмай, унинг ўрнига бошқа бир нарсани қурбонлик қилиш мумкинми-йўқми, деб, нажот излагани жуда ҳам машҳур. Бунга ўхшаш ишлар жоҳилият ҳукми

сурган ҳар бир замонда бор бўлган. Баъзи жойларда, сув тошқинидан асрайди, деб, Турди, Тўхтасин каби исмли кишиларни тўғонларга, тупроқ остига бостириб, қурбонлик қилганлар. Ҳозирги замон жоҳилиятида ота-оналар дунё лаззатидан кўпроқ маза қилиш, бола боқиш қийинчиликларидан қочиш, сарф-харажатларни камайтириш мақсадида болаларни туғилмасидан аввал ўлдириш – хомилани олиб ташлаш ёки умуман, хомилага қарши воситаларни истеъмол қилишни йўлга қўймоқдалар. Оқибатда катта-катта миллатлар кун сайин камайиб кетаётир. Ҳақиқий исломий таълимот йўқ жойда ана шундай бўлади! Инсу жинларнинг шайтонлари одамларга ҳаттоки болаларни ўлдиришни ҳам чиройли кўрсатади. Мазкур «шериклар» бу ишни ўзига эргашганларни

**«...ҳалок этиш ва динларини чалкаштириш учун»** қиладилар.

Ҳақиқатан ҳам, бу дунё лаззатини деб ёки ўзларича Худодан бошқа бир раҳнамонинг розилигини оламан деб, болаларни ўлдириш ҳалокатга олиб келади. Бу жаллодлик динга ва Холиққа душманликдир. Яъни Аллоҳнинг динини қўйиб, «шерик»ларнинг динига юришдир. «Шериклар» турли кўринишда бўлиши мумкин. Инсу жинларнинг шайтонларидан иборат бўлиши, якка шахслар, турли ташкилотлар, давлатлар, халқаро муассасалар ёки бошқача шаклларда ҳам бўлиши мумкин.

**«Агар Аллоҳ хоҳласа, уни қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиётган нарсалари ила қўйиб қўй!»**

Демак, инсу жин шайтонларининг ва уларга эргашаётганларнинг ишлари улар кўзлагандек эмас. Ҳаммаси Аллоҳ таолонинг назорати остида. Агар Аллоҳ хоҳласа, бу куфр ва туғёнларга бормас эдилар. Аммо Аллоҳ таоло бошқа бандаларга синов бўлсин деб, уларни тек қўйди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» дейилганидек, дин душманлари ҳам маълум муддатгача ўзларини ўзлари овора қиладилар. Оқибат Ислом ва мусулмонларники. Ҳозирча дин душманлари ва улар тўқиган нарсалар тек қўйиб турилади. Улар тўқиган нарсалар, деганда бандалар амал қилиши учун Аллоҳ нозил қилган диний таълимотларга муқобил нарсалар тушунилади. Улар ўша ўзлари тўқиган нарсани одамларга зийнатлаб кўрсатадилар. Улар тўқиган нарсалар турлича номланиши мумкин. Кимдир «дастур», бошқаси «режа» деб аташи мумкин. Аммо Аллоҳ айтган таълимотларга тўғри келмагандан кейин, қандай ном билан аталса-да, ношаръий бўлаверади. Буларнинг ҳаммаси вақтинча, синов учун бўлаётган ҳодисалардир.

Келаси оятда кофир-мушрикларнинг яна бир одатлари фoш этилади:

وَقَالُوا هَذِهِ أَعْنَمُ وَحَرَّتْ حَجْرٌ لَا يَطْعَمُهَا إِلَّا مَنْ نَشَاءُ  
بِرَعْمِهِمْ وَأَعْنَمُ حَرَمَتْ طُهُورُهَا وَأَعْنَمُ لَا يَذْكُرُونَ أَسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا  
أَفْتِرَاءَ عَلَيْهِ سَيَجْزِيهِمْ بِمَا كَانُوا يَفْعَلُونَ

**Унга тухмат қилиб, ўзларича: «Мана булар тақиқланган чорвалар ва экинлар – уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина ейдилар – ва минилиши ҳаром қилинган чорвалар ҳамда (сўйиш чоғида) устида Аллоҳнинг исми айтилмайдиган чорвалардир», дедилар. У Зот қилган тухматлари туфайли тезда уларга жазо беражак.**

Бу оятда мушрик ва кофирларнинг энг катта жиноятларидан бири – ҳалол-ҳаромни ажратишда Аллоҳнинг айтганига юрмай, ўзларича кўнгиллари тусаган ҳукми чиқаришлари баён қилинмоқда. Аслида ҳалол ёки ҳаром ҳақида ҳукм чиқариш Аллоҳ таолонинг ҳаққи. Бандаларнинг бу илоҳий ҳаққа тажовуз қилишлари куфрга олиб борадиган катта жиноятдир. Агар бир инсон ҳамма диний ақийдаларга тўлиқ иймон келтирса, шариат кўрсатмаларига мукамал амал қилса-ю, Аллоҳ ҳалол, деган нарсани ҳаром, деса ёки, аксинча, ҳаром, деганини ҳалол, деса, кофир бўлади. Бу масала шу даражада нозик масаладир. Инсон ҳаётининг ҳар бир соҳаси Аллоҳнинг ҳукмига мувофиқ бўлиши керак. Аллоҳ ягона Холиқ – яратувчи, ягона Розик – ризқ берувчи, ягона Маъбуд – ибодатга сазовор Зот бўлганидек, У ягона Ҳоким – Ўз ҳукмини юритувчидир.

Ана шу ягона Холиқ, Розик, Маъбуд, Ҳоким – Аллоҳ таоло ҳалол-ҳаромга ўзларича баҳо берганларни қаттиқ қораламоқда. Бундай ишларни Аллоҳга тухмат деб атамоқда ва уларга қаттиқ жазо берилишининг дарагини бермоқда.

**«Унга тухмат қилиб, ўзларича: «Мана булар тақиқланган чорвалар ва экинлар – уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина ейдилар – ва минилиши ҳаром қилинган чорвалар ҳамда (сўйиш чоғида) устида Аллоҳнинг исми айтилмайдиган чорвалардир», дедилар».**

Яъни мушриклар ўзларича, ҳужжат-далилсиз «Бу ҳайвонлар ҳаром, уларни истеъмол қилиб бўлмайти», «Бу экинлар ҳаром, уларни истеъмол қилиш мумкин эмас», дейишади. Улар ўзлари ҳаром қилган ҳайвон ва экинларни хоҳлаган кишиларига ҳалол қилиб, ейишга руҳсат бериш ҳақлари борлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, улар баъзи ҳайвонлар ҳақида «минилиши ҳаром ҳайвонлар» деб ҳукм чиқарадилар. Яъни баъзи ҳайвонларнинг гўштини ейишни ҳаром қилишса, баъзи ҳайвонларнинг минилишини ҳаром қилишади.

Осим ибн Абу Нажжуддан Абу Бакр ибн Айяш куйидагиларни ривоят қилади: «Абу Воил мендан:

«...ва минилиши ҳаром қилинган чорвалар ҳамда (сўйиш чоғида) устида Аллоҳнинг исми айтилмайдиган чорвалардир» деган оятда нима борлигини биласанми?» деб сўради. Мен:

«Йўк», дедим. У:

«Бу баҳийра деб аталган ҳайвон бўлиб, уни ми-ниб, ҳаж қилмас эдилар», деди».

Мужоҳид: «Уларнинг бир тоифа туялари бўлиб, ўша туяларга Аллоҳнинг номини зикр қилмас эдилар. Ўша туяларга тегишли ҳеч бир нарсада Аллоҳнинг номини зикр қилмас эдилар. Уларни минсалар ҳам, соғсалар ҳам, уларга юк юкласалар ҳам, урчитсалар ҳам, бошқа бирор нарса қилсалар ҳам, Аллоҳни зикр қилмас эдилар», дейди.

Аллоҳ таоло мушрикларнинг бу қилмишларини Ўз Зотига нисбатан тухмат деб баҳоламоқда.

Яъни мазкур ишларни Аллоҳнинг номи билан боғлашлари, Унинг дини дейишлари ёки Худони рози қиладиган иш деб баҳолашлари ва бошқа шунга ўхшаш даъволари Аллоҳ таолога нисбатан буюк тухматдир. Аммо Аллоҳ таоло тухматчиларни чорасиз қолдирмайди:

**«У Зот қилган тухматлари туфайли тезда уларга жазо беражак».**

Қиёматда ҳар бирларига тегишли жазо белгилаб қўйилган. Аллоҳ уларга адолатли жазо бериши турган гап.

Келаси оятда мушрикларнинг яна бир фасодлари ҳақида гап кетади:

وَقَالُوا مَا فِي بُطُونِ هَذِهِ الْأَنْعَامِ خَالِصَةٌ لِّذُكُورِنَا وَمُحَرَّمٌ عَلَىٰ أَزْوَاجِنَا وَإِن يَكُن مِّمَّنَّ فَهُمْ فِيهِ شُرَكَاءُ سَيَجْزِيهِمْ وَصَفَّهُمْ إِنَّهُ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿١٣٩﴾

**Яна: «Мана бу чорваларнинг қорнидаги нар-салар эркакларимизга холос, хотинларимизга ҳаром», дерлар. Агар у ўлик бўлса, улар унга ше-риклардир. Тезда уларга васфлари учун Ўзи жазо беражак. Албатта, У ўта ҳикматлидир, ўта билув-чидир.**

Бу оятда инсу жин шайтонларининг, дин душ-манлари ва ўзларича ҳалол-ҳаромга «қозилик» қилувчилар аҳмоқлигининг янгича кўриниши таъриф қилиняпти. Ўтган оятда уларнинг баъзи ҳайвонларни ейиш ёки минишни ҳаром қилганликлари ҳақида сўз борган бўлса, бу оятда маълум бир ҳайвонни баъзи одамларга ҳалол, баъзиларига ҳаром қилганликлари ҳақида сўз кетмоқда.

**«Мана бу чорваларнинг қорнидаги нарсалар эркакларимизга холос, хотинларимизга ҳаром»,**

**дерлар. Агар у ўлик бўлса, улар унга шериклар-дир».**

Улар «Ушбу ҳайвоннинг хомиласи эркаклари-мизга ҳалол, аёлларимизга ҳаром», дейишар эди. Агар ўша ҳайвоннинг хомиласи ўлик бўлса, эркак-аёлга баробар ҳалол бўларди. Нима учун, қайси да-лил билан бундай дейишларини ҳеч ким билмайди. Ўзлари ҳам билмайдилар. Ўзича шариат ясаб, ҳукм чиқаришга ўтилганда, шундай бўлади. Нафақат қайси ҳайвон ҳалолу, қайси ҳайвон ҳаромлиги ма-саласида, балки қолган барча масалаларда ҳам ушбу ҳолат такрорланаверади. Бугун кўнгиллари бир нар-сани тусаб, ўшанга мос қонун чиқарсалар, эртага худди ўша одамлар унинг тескарисига ҳам қонун чиқараверадилар.

Аммо Аллоҳ таоло уларнинг бу ишларини эъти-борсиз қўймайди:

**«Тезда уларга васфлари учун Ўзи жазо бера-жак».**

Бу жазо уларнинг ўзлари ўйлаган нарсани қонун дея даъво қилиб, шариат даражасига қўтарганлари учун содир бўлди.

**«Албатта, У ўта ҳикматлидир, ўта билувчи-дир».**

Ҳар бир амалини Зотига хос илм асосида ҳикмат ила амалга оширади.

قَدْ خَسِرَ الَّذِينَ قَتَلُوا أَوْلَادَهُمْ سَفَهًا بِغَيْرِ عِلْمٍ وَحَرَمُوا مَا رَزَقَهُمُ اللَّهُ أَفَرَاءَ عَلَى اللَّهِ قَدْ ضَلُّوا وَمَا كَانُوا مُهْتَدِينَ ﴿١٤٠﴾

**Эси пастлик қилиб, илмсиз равишда фарзанд-ларини ўлдирганлар ва Аллоҳга тухмат қилиб, Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсаларни ҳаром қилганлар зиён кўрдилар. Батаҳқиқ, улар адашди-лар ва ҳидоятга юрувчилардан бўлмадилар.**

Ҳа, эси паст бўлмаса, ҳамма нарсани билувчи ва ҳамма ишни ҳикмат ила қилувчи барҳақ Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг айтганларини инкор этиб, Унинг шариатини поймол этиб, ўзларича бошқа нар-саларни тўқиб юришармиди? Агар ақллари бўлса, Аллоҳ таолонинг динини бир томонга қўйиб, ўзла-рига ўхшаган одамлар, балки инсу жинларнинг шай-тонлари уларга чиройли кўрсатган нарсаларга эрга-шиб юришармиди?

Агар улар жоҳил бўлмасалар, Аллоҳнинг фар-зандларни кўпайтириш, уларни тарбиялаб-ўстириш ҳақидаги таълимотига душманларча қарши бўлган инсу жин шайтонларининг гапига кириб, ўз жигаргў-шаларини ўлдирармидилар?! Ёки Аллоҳ таоло улар-га ҳалол ризқ қилиб берган нарсаларни ҳеч қандай сабаб ёки далилсиз ўзларига ҳаром қилиб олармиди-лар?! Ана шундай аҳмоқона ишларни қилганлар



**«...зиён кўрдилар».**

Улар у дунёда азоб-укубат тортажаклари турган гап, аммо бу дунёнинг ўзидаёқ зиёнкор бўлдилар. Ақли бор инсон жоҳиллик қилмай, инсоф билан ўйлаб кўрса, унга ўзи тарк қилган ҳар бир диний ишдан бу дунёнинг ўзида олам-олам зиён етишини дарҳол тушуниб олади. Бу ҳақда жуда кўп айтилган, ёзилган ва баҳс юритилган. Биз бошқа илоҳий таълимотлардан четлашни бир томонга қўйиб, ушбу оятда зикр қилинган ўз боласини ўлдириш ва Аллоҳ берган ҳалол ризқни ўзига ҳаром қилиб олиш масаласини олиб кўрсак ҳам, бундай ишни қилганлар бу дунёнинг ўзида қанчалар зиён тортишини аниқ кўрамиз. Ўз боласини ўзи ўлдирган одамдан ҳам зиёнкорроқ одам борми бу дунёда?! Бу ғайриинсоний иш қайси шаклда, қандай баҳона ва сабаб ила қилинмасин ҳамда инсу жинларнинг шайтонлари қанчалик чиройли кўрсатган бўлмасин, барибир улуғ зиёндир.

Бугунги кун жоҳилиятининг шайтонлари одамларга дунёга келмаган болаларини нобуд қилиш ёки, умуман, бола кўришдан воз кечишни чиройли кўрсатмоқдалар. Улар одамларга «Бизнинг айтганимизни қилсанг, соғлигинг яхши бўлади, иқтисодинг ночор бўлмайди, бу дунёнинг матосидан, ўйин-кулгисидан, урф бўлган кийими, зебу зийнатидан маҳрум бўлмайсан» ва ҳоказолар деб, йўлдан урмоқдалар. Оқибатда, ўша инсу жин шайтонларининг айтганига кирганлар қариганда фарзандсизлик доғида қуйиб, ўлиб кетишмоқда. Фарзанд кўрмаслик учун қилдирган тиббий амалиётлари, қўллаган чоралари ва истеъмол қилган дорилари ўзларининг бошига фалокат бўлмоқда. Бу иш нафақат айрим шахслар, балки бутун бошли халқларнинг бошига каттадан-катта зиёнлар келтирмоқда. Мазкур инсу жин шайтонларининг амрига юриб, Аллоҳ таолонинг таълимотини рад этган ғарб халқларидан айримлари камайиб, келажакда йўқ бўлиш хавфи туғилмоқда. Натижада бугун оилаларда фарзандни кўпайтиришга ундовчи чақирик ва чора-тадбирларнинг ҳеч бири наф бермай кўйди.

Шунингдек, Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган ҳалол ва покиза нарсаларни ҳаром қилганлар воқеий дунёнинг ўзидаёқ катта зиёнкор бўлдилар. Уларнинг бу зиёнлари ҳозирда у қадар сезилмаётган бўлиши эҳтимол. Аммо муҳаққаки, келажакда албатта зоҳир бўлади.

*«Тафсири Ҳилол»дан.*



# ЖОҲИЛИЯТ ДАЪВОЛАРИНИ РАДҚИЛИШ ҲАҚИДА

لاعدوى ولا طيرة والاحتياط أسلم

## КАСАЛЛИК ЮҚИШИ ВА ШУМЛАНИШ ЙЎҚ, ЭҲТИЁТ БЎЛИШ ЯХШИ

۸۲۶۲- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا عَدْوَى وَلَا هَامَةَ وَلَا نَوَاءَ وَلَا صَفْرًا. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Касаллик юқиши йўқ, бойқуш йўқ, навъу йўқ ва сафар йўқ», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Исломдан олдинги жоҳилиятда ҳам жоҳилликнинг турли-туман кўринишлари мавжуд эди. Жумладан, тибга оид масалаларда ҳам. Ушбу фаслда келадиган ҳадиси шарифлар ана ўша нарсаларни муолажа қилади, уларни Ислом дини қандай қилиб тўғри йўлга солганлигини тушунтиради.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган бу ҳадиси шарифда жоҳилиятнинг тўртта жоҳиллиги инкор қилинмоқда.

### 1. «Касаллик юқиши йўқ»

Жоҳилият аҳлида «Хасталикларда ўзига яраша қувват бор, улар бир кишидан иккинчисига ўтади», деган эътиқод бор эди.

Хасталик Аллоҳ ирода қилсагина юқади. Худди шу маъно Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу ҳадиси шарифларида ва шунга ўхшаш бошқа ҳадиси шарифлардаги «Касаллик юқиши йўқ» деган гапларида мужассам бўлган.

Дунёдаги ҳар бир нарса фақатгина Аллоҳ таолонинг иродаси билан бўлади. Жумладан, хасталик юқиши ҳам. Одамлардан жоҳилият эътиқодларини кетказиш учун шунга ўхшаш хассос нарсаларга алоҳида эътибор берилган.

### 2. «Бойқуш йўқ»

Жоҳилият даврида турли нарсалардан шумланиш мавжуд бўлиб, бу нарса уларнинг эътиқодига айланиб қолган эди. Жумладан, «Қаерга бойқуш кўнса, ўша ерда ёмонлик бўлади», деган эътиқод бор эди.

Ислом бу нарсани ҳам инкор этди. Бировга кўнгилсизлик ёки ёмонлик етадиган бўлса, бойқуш ёки бошқа қуш кўнгани сабабли эмас, Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлади. Аллоҳ ирода қилса, ҳар қандай ҳолатда ҳам бандага хасталикни ориз қилганидек, бойқуш кўнса ҳам, кўнмаса ҳам ёмонлик воқеъ қилиши мумкин.

### 3. «Навъу йўқ»

«Навъу» – жоҳилият аҳли «Ёмғир ёғдиради», деб эътиқод қиладиган юлдуз. Улар ўзларича «Ёмғирни ўша юлдуз ёғдиради», дейишар эди. Албатта, бу ҳам нотўғри. Ёмғирни фақатгина Аллоҳ таолонинг Ўзи ёғдиради.

### 4. «Сафар йўқ»

Жоҳилият аҳлининг Сафар оyi тўғрисида ҳам бидъат-хурофотдан иборат ақийдалари бор эди. Улар «У ойда сафар қилиб бўлмайди, у бўлмайди, бу бўлмайди», дейишар эди.

Ислом бундай бўлмағур эътиқодларни ҳам рад этди. Ойларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳ таолонинг ойлари, кунларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳ таолонинг кунлари эканлигини эълон қилди.

Кўриниб турибдики, бу ҳадиси шариф асосан, эътиқодга оид масалаларни, жумладан, тибга оид эътиқод масаласини ҳам муолажа қилмоқда.

Демак, бизлар «Касаллик ўзи юқмайди, Аллоҳ таоло ирода қилсагина юқади», деган эътиқодни маҳкам тутишимиз керак экан. Бу масала кейин келадиган ҳадиси шарифларни ўрганишимиз жараёнида яна ҳам ойдинлашиб боради.

۹۲۶۲- عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا عَدْوَى وَلَا غَوْلَ وَلَا صَفْرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Касаллик юқиши йўқ, ғул йўқ ва сафар йўқ», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифда аввалги баёни келган нарсаларга ғул ҳам йўқлиги қўшилмоқда.

«Ғул» – жоҳилият аҳли тасаввуридаги бир жин, улар уни «Турли шаклларга кира олади, одамларни адаштириб, турли балоларга учратади», деган эътиқодни қилишар эди.

Ислом бу нотўғри эътиқодни ҳам рад этди.

۰۳۶۲- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا عَدْوَى وَلَا صَفْرًا وَلَا هَامَةَ فَقَالَ أَعْرَابِيٌّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ فَمَا بَالُ الْإِبِلِ تَكُونُ فِي الرَّمْلِ كَأَنَّهَا الطَّبَاءُ فَيَحَالِطُهَا الْبَعِيرُ الْأَجْرَبُ فَيَجْرِبُهَا كُلِّهَا قَالَ: فَمَنْ أَعْدَى الْأَوَّلِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Касаллик юқиши йўқ, сафар йўқ ва бойқуш йўқ», дедилар». Шунда бир Аърабий:

«Эй Аллоҳнинг Расули, унда туяларга нима бўлган? Қумда худди охудек юришади. Битта қўтир туя қўшилиб қолса, ҳаммасини қўтир қилиб юборади?» деди.

«Биринчига ким юқтирган?» дедилар у зот».

**Шарҳ:** Гап шу жойда. Агар хасталикни унинг юқиши тарқатадиган бўлса, унинг биринчи пайдо бўлиши ҳақида нима дейилади? «Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлади», деган эътиқодга келинмагунича, бу савол занжири узайиб бораверади. Аллоҳ таолога ва Унинг чексиз қудратига, ҳамма нарса Унинг иродаси ила бўлишига иймон келтирган кишиларгина «Хасталикнинг биринчи пайдо бўлиши ҳам, унинг юқиши ҳам фақатгина Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлади», дедилар.

– وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا تُورِدُوا الْمُمْرِضَ عَلَى الْمَصِحِّ. رَوَاهُمَا  
الثَّلَاثَةُ.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Хастани соғнинг олдига келтирманглар», дедилар».**

*Иккисини уювлари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шариф туялар ҳақида айtilган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хаста туяни олиб келиб, соғ туяни суғораётган жойда аралаштириб, суғормасликка амр қилмоқдалар. Чунки соғ туя ҳам хаста бўлиб қолса, эгаси «Хасталик юқди», деб афсусланиб юради.

– وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا عَدْوَى وَلَا طَيْرَةَ وَلَا هَامَةَ وَلَا صَفَرَ وَفَرَّ  
مِنَ الْمُحْدُومِ كَمَا تَفَرُّ مِنَ الْأَسَدِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Касаллик юқиши йўқ, қуш билан фол очиш йўқ, бойқуш йўқ ва сафар йўқ. Моховдан худди арслондан қочганингдек қочгин», дедилар».**

*Бухорий ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифдаги биз «қуш билан фол очиш йўқ» шаклида таржима қилган ибора араб тилида «тияра» дейилади. Бу ибора «тоир» – «қуш» сўзидан олинган. Ушбу ҳадиси ўқиган кишида «Қушнинг фол очишга нима дахли бор? Ёки ҳозирги баъзи фолчиларга ўхшаб, қушга хатни тортириб, фол очиш авваллари ҳам бўлганми?» деган савол пайдо бўлиши мумкин.

Қуш билан фол очиш жоҳилият даврида бошқача бўлган. Жоҳилият аҳлидан бирортаси бир ишни қилиш-қилмасликка иккиланиб қолса, қушни қўлида тутиб туриб, учирган. Агар қуш ўнг томонга учса, ўша ишни қилган. Агар чап томонга учса, у ишни қилмаган. Агар қуш тўғрига учса, яна бошқа қушни учирган. Улар бу ишни жуда кўп қилганларидан, умуман, фол очишга ҳам «тияра» ибораси ишлатиладиган бўлиб кетган. Ислом дини буни ҳам рад этди.

Бу фаслнинг ушбу ҳадиси шарифгача бўлган ривоятларининг баъзисида касаллик юқиши йўқлиги, баъзисида касаллик юқишидан эҳтиёт бўлиш кераклиги айtilган бўлса, бу ҳадиси шарифда мазкур икки масала ҳам зикр қилинмоқда. Бу билан касалликнинг ўзича юқмаслиги эътиқод масаласи эканлиги, касаллик юқишидан эҳтиёт бўлиш эса динимиз биздан амал қилишни талаб қилган нарса эканлиги таъкидланмоқда.

Мохов хасталиги ҳам юқумли эканлиги ҳозирда ҳаммага равшан ҳақиқатдир. Исломда эса бу хасталикка учраган одамдан арслондан қочгандек қочиш кераклиги ўн беш аср илгари таъкидланган.

Ўрни келганда касалнинг юқишини илмий равишда биринчи бор исбот қилганлар ҳам мусулмон табиблар эканлигини айтиб ўтиш бурчимиз, бу ҳақиқатни биз эмас, ғарбликлар эътироф қилганларини таъкидлаш эса вазифамиздир.

Олмониялик машхур олима Зигрид Хунке хоним «Аллоҳнинг қуёши Европани ёритур» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«1348 йилда андалуслик давлат одами ва табиб, Ғарнота султонининг вазири Ибн ал-Ҳагиб касалликнинг хаста киши орқали юқиши ва тарқалиши ҳақида илмий мантикий рисола ёзди. Унда қуйидаги жумлалар бор:

«Касаллик юқишини ва унинг хатарларини ҳамда унинг одамлар бошига келтирадиган ҳалокатларидан сақланиш йўллари кашф этиш мусулмонларнинг яратувчилик фикри асосида юзага чиқарилган энг буюк кашфиётлардан иккитасидир. Бу билан мусулмонлар томонидан инсоният учун бебаҳо хизмат қилингандир» (275-276-саҳифалар).

Бошқа бир мусулмон табиб, Ғарнота (Гренада) қасрида яшаган Ибн ал-Хотийма қуйидагиларни ёзган:

«Менинг олиб борган узоқ муддатли тажрибаларим шуни кўрсатадики, ким юқумли хасталикка чалинган шахсга аралашса ёки унинг кийимини кийса, ўша хасталикка дарҳол чалинади. Аввалги беморда қандай аломатлар бўлса, бунда ҳам ўша аломатлар пайдо бўлади. Биринчи бемор қон туфласа, иккинчиси ҳам қон туфлайди. Биринчисига яра чиққан бўлса, иккинчисига ҳам яра чиқади.

Бундан саксон йил ўтгандан сўнг Европа бирдан касалликнинг юқишини тушуниб қолди. Одамлар беморларни ушлашдан ёки уларга яқинлашишдан қочадиган бўлишди. Ўзларича тумор тақишни бошлашди. Улар ўзларича «Тумор касаллик юқишидан сақлайди», деб эътиқод қилишар эди. Худди шу эътиқод ила улар хушбўй нарсаларни тутатишга ўтдилар».

۳۳۶۲- وَكَانَ فِي وَفْدِ ثَقِيفٍ رَجُلٌ مَجْدُومٌ فَأَرْسَلَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ ﷺ إِنَّا  
قَدْ بَايَعْنَاكَ فَارْجِعْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

**«Сақийфнинг ҳайъати орасида бир махов киши ҳам бор эди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга «Батаҳқиқ, биз сенинг байъатингни қабул қилдик», деб одам юбордилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

**Шарҳ:** Яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Сақийф қабиласи номидан у зотни эътироф қилиб, байъат қилгани келган расмий ҳайъатнинг барча аъзолари билан кўришиб, қўл ушлашиб, байъат қабул қилдилар. Аммо эҳтиёт чораси учун мазкур хаста кишини ичкарига киритмадилар ва қўл бериб сўрашмадилар. Фақат одам юбориб, хабарни етказиб қўйдилар, холос.

*«Ҳадис ва Ҳайъат» китобидан олинди.*



# Зийнат

## (Боши ўтган сонда)

Бошқа жинсга тақлид қилиш ҳақида кўпгина ҳадислар ворид бўлган, улардан:

1. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ хотинчалиш эркакларни ва эркаксифат аёлларни лаънатлайди», дедилар» (Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

2. Аҳмад, Абу Довуд ва Ибн Можанинг лафзида: «Аллоҳ эркакларга ўхшашга ҳаракат қилган аёлларни ва аёлларга ўхшашга ҳаракат қилган эркакларни лаънатлади».

3. Абу Довуднинг Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилган лафзида: «Аллоҳ аёллардан ўзини эркакча тутганини лаънатлади», дейилган.

4. Ҳоким Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилиб айтади: «Аллоҳ аёлларга ўхшаб либос кийган эркакларни ва эркакларга ўхшаб либос кийган аёлларни лаънатлади».

Шунга кўра, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эркак кишининг қўлига хино қўйишини ёқтирмаганлар. Чунки у аёлларга хос бўлган ишдир. Шунингдек, эркак кишини аёлларнинг зийнатидан бўлган рангли хушбўйлик ила хушбўйланишдан қайтардилар. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига оёқ-қўллари хинога бўялган бир хотинчалиш одамни келтиришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бунга нима бўлган?» дедилар. «Аёлларга ўхшаб олади», дейишди. Шунда у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг амрлари билан уни Нақийъга сургун қилишди. «Эй Аллоҳнинг Расули, уни қатл қилмайсизми?» дейишди. Бас, у зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, мен намоз ўқувчиларни қатл қилишдан ман қи-

лингман», дедилар» (Абу Довуд ривоят қилган).

5. Яъло ибн Марра розияллоху анху:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг рангли хушбўйлик қўйиб олган кишини кўриб: «Бориб, уни ювиб ташла, сўнгра яна ювиб ташла, сўнгра қайтма», деганларини ривоят қилади (Термизий ва Насаъий ривоят қилишган).

6. Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам эркак кишини заъфарон суришдан қайтардилар». (Бу Муваддодан бошқасида ривоят қилинмаган).

Термизий: «Эркак кишига заъфарон суришнинг макруҳлигининг маъноси у билан хушбўйланишидир», дейди.

Ҳозирги асримизда аёллар одатда пардоз учун ишлатадиган рангли кремларнинг бир неча турлари мавжуд. Шунингдек, лабни, ёноқларни қизартирадиган ва шунга ўхшаш воситалар эркакларга ман қилинган. Бу воситаларни ишлатишда аёллар ҳам маълум меъёр чегарасидан чиқиб кетмасликлари лозим.

Мубоҳ бўлган зийнатда муболағга йўл қўйиш макруҳдир. Чунки унда маблағ ва вақтни наф келтирмайдиган нарсага зое қилиш бор. Яна муболағга йўл қўйилган зийнатда ортиқча дабдаба бўлиб, агар инсон унга одатланиб қолса, бошқа ўзи учун зарур бўлган нарсалар ва асосий вазифаларидан машғул қилиб қўяди.

Бунга мисол:

1. Эрқагу аёл сочини тарашда муболағга қилиши макруҳдир. Аслида соч тараш мубоҳ, балки



мандуб амалдир. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоху анху ривоят қилади: «**Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бевақт соч парваришидан қайтарганлар**» (Абу Довуд, Термизий ва Насайй ривоят қилишган). Шунингдек, Хумайд ибн Абдуррахмон Хумайрий раҳимахуллох ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга Абу Хурайра розияллоху анху саҳоба бўлгани каби тўрт йил саҳоба бўлган бир кишини учратдим. У: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизни ҳар куни соч тарашдан қайтардилар», деди». (Насайй ривоят қилган).

Абдуллоҳ ибн Бурайда раҳимахуллох ривоят қилади: «Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг асҳобларидан Убайда деган бир киши: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «кўп ирфоҳ»дан қайтарар эдилар», деди». Ибн Бурайдадан «ирфоҳ» ҳақида сўралганида: «Соч парвариши», деди» (Насайй ривоят қилган).

Албатта, бу бугунги кунда аёллар ғарқ бўлаётган нарсанинг айни ўзидир. Улар соч парвариши, пардозии ва турмаклари учун кунига бир неча соатларини сарфлаб юборишади. Кўпинча бу ишлар диний ва ижтимоий вазифалар ҳисобига бўлиши айниқса ачинарлидир, бундан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз лозим.

2. Қариликни яшириш учун оқ сочни юлиш, тишларнинг орасини очиш, қошни “мўйчанақ” билан юлиш ман қилинган. Бу нарсаларда зийнатда чуқурлашиш, хилқатни ўзгартириш бордир. Бу ҳақда кўпгина ҳадислар келган. Улардан бири Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадис бўлиб, унда: «**Аллоҳ ҳусн учун ваши қилувчи аёлларни, ваши қилдирувчи аёлларни, мўйчанақ ила терувчи аёлларни, мўйчанақ ила тердирувчи аёлларни ва тиш орасини очувчиларни, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирувчиларни лаънатласин», дейилган** (Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар).

Шунингдек, Амр ибн Шуъайб раҳимахуллох отасидан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Оқ сочни юлманглар, қайси мусулмоннинг биргина сочи Ислонда оқарган бўлса, қиёмат куни унга нур бўлур», дедилар». Бошқа бир ривоятда: «Аллоҳ унга (оқ сочга) бир ҳасана ёзур, ундан бир гуноҳни ўчирур», дейилган (Абу Довуд ривоят қилган). Муслим ва Насаййлар ҳам шунга ўхшаш ривоят келтиришган.

Агар оқ сочлар бошнинг кўп қисмини эгаллаган бўлса ёки сочнинг ҳаммаси оқариб кетган бўлса, у ҳолда сочни қорадан бошқа рангга бўяш жоиз, балки мандубдир. Аёлларнинг сочларини қора рангга бўя-

ши хусусида фуқаҳлар ўртасида хилоф бор. Аммо эркакларга қорага бўяш ман қилинган.

3. Аёл киши зийнатланишда ортикча тилла тақинчоқлардан фойдаланиши ва бунда ўзига ўхшаган аёллар одатланган мўътадиллик чегарасидан чиқиши. Унга ўхшаш аёллар орасида ўн мисқол тилла билан зийнатланиш одат бўлса, йигирма мисқол ила зийнатланиш ҳаром бўлади. Агар йигирма мисқол тилла билан зийнатланиш одат бўлса, ўттиз мисқол ила зийнатланиш ҳаром бўлади. Бу исрофга йўл қўйиш ва зийнатда муболага бўлганлиги учундир. Камроғи унда фойда бўлгани учун аёлнинг зийнати учун мубохдир. Бу ҳақида кўпгина ҳадислар ворид бўлган бўлиб, улардан бири Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумо ривоят қилган ҳадисдир. У киши: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тилланинг кийимга аралаштирилганидан бошқасини кийишдан қайтарганлар», деган. (Насайй ривоят қилган).

4. Хилқатни бузиб, одобга тўғри келмайдиган нарсани ила зийнатланиш. Қараъ шулар жумласига кирди. Бу бошнинг четларини қириб, ўртасидан озгина сочни ўстириб қўйишдир. Бу хулқни бузишга сабаб бўлувчи ишлардан бўлиб, жоҳилият даврида аъробийлар ичида кенг тарқалган эди. Ҳозирги асримизда ҳам баъзи бадавийларда бу одат давом этмоқда. Ибн Умар розияллоху анхумонинг мавлоси Нофеънинг Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисида бу ишдан қайтарилган. Унда: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қараъдан қайтардилар», дейилган. Бошқа бир ривоятда айтилади: «Шунда: «Қараъ нима?» дейилди. Бас, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумо ишора қилиб: «Агар ёш боланинг сочи олинса, бу ери қолдирилади», деб Абдуллоҳ бошининг четларини кўрсатди. Убайдуллоҳга: «Қиз боланинг-чи?» дейилди. У: «Билмайман», деди» (Бухорий ва Муслим ривоят қилган).

Ҳозирги асримизда хилқатни бузиб, тўй-танталарда танимайдиган даражада зийнатланадиган (буни зийнат деб ҳам бўлмайди) жоҳилларнинг иши ҳам юқорида санаб ўтилган, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ман қилган ишлардандир. Бу билан улар ўзларидаги Аллоҳ таоло халқ қилган зийнатларни, гўзалликни топтаб ташламоқдалар. Яна улар ўзларининг бу ишларини санъат даражасига кўтариб, «макияж» деган ном остида бутун дунёга тарқатиб, кўз-кўз қилмоқдалар. Валлоху аълам.

*Доктор Аҳмад Ҳажжсий Курдий «Ислон фиқҳидаги аёлларга оид ҳукмлар» китобидан. Одинахон Муҳаммад Содиқ қизи таржимаси.*



*Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз У Зотга ҳамд ва истизфор айтамыз. Ундан ёрдам сўраймыз. Нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймыз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Унинг ўхшаши, тенги ва мисли йўқдир, деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг бандаси, элчиси, ҳалили, халқлари ичидан танлаб олган ва Ўз ваҳийсига ишонган аминидир, деб гувоҳлик бераман.*

Мўмин кишини Аллоҳга яқин қиладиган улуғ ибодат, шубҳасиз, намоздир. Намоз – Ислом динининг иккинчи устуни бўлиб, Аллоҳга ва Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирган ҳар бир мўмин банда учун фарзи айндыр. Бу улуғ ибодат жаннат калити бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам меърожга чиққан кечада биз, бандалар зиммасига фарз қилинган ибодатдыр. Ўша кечада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтул Макдисдан осмонга, меърожга олиб чиқилдилар. У ерда Аллоҳ таоло бандалари учун эллик вақт намозни фарз қилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтаётиб, Мусо алайҳиссаломга учрадилар ва у киши:

«Нима қилдинг?» дедилар.

«Менга эллик (маҳал) намоз фарз қилинди», дедилар. У:

«Мен одамларни сендан яхшироқ биламан. Бану Исроил билан (уларни тўғрилаш учун) қаттиқ шуғулланганман. Сенинг умматинг ҳам тоқат қила олмайди. Роббинг ҳузурига қайтиб, Ундан (енгиллатишини) сўра», дедилар.

Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан намозни енгиллатишини сўрадилар. Аллоҳ таоло бир оз енгиллатди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтаётиб, яна Мусо алайҳиссаломга дуч келдилар. Мусо алайҳиссалом яна аввалги гапни айтдилар. Шундай қи-



## МЎМИННИНГ ҒАМИ – НАМОЗ

либ, бу хол бир неча бор такрорланди. Аллоҳ таоло намозни беш вақтгача қисқартирди. Мусо алайҳиссалом яна қайтишни таклиф қилдилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Роббимдан уялиб кетдим”, деб бошқа қайтиб бормадилар.

Аллоҳ таоло: «Булар ўзи бешта, аммо (савобда) элликтадир! Менинг ҳузуримда сўз ўзгартирилмас!» деб марҳамат қилди.

Ушбу беш вақт намозни муҳофаза қилиб, ўз вақтида ўқиган бандаларни Аллоҳ азза ва жалла жаннатга киритишга аҳд берган. Беш вақт ўқилган намоз гуноҳларни ювади ва кишини гуноҳ қилишдан тўсади.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Айтинглар-чи, агар бирингизнинг эшигингиз олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш маҳал ювинса, унинг киридан бирор нарса қоладими?” дедилар. “Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди”, дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ана шунга ўхшаб, Аллоҳ таоло беш вақт намоз ила ҳатоларни ювади”, дедилар».

Мўмин киши ҳар доим намознинг ғамида бўлади. Фақат бомдод намозини ўқиш билан кифояланмайди. Қандай ҳолат ва маконда бўлмасин, намозларини тўла-тўқис адо этишга ҳаракат қилади. Сафарга чиқар экан, таҳорат, намоз ва бошқа шаръий аҳкомларни мукамал эгаллайди. Ҳаттоки бозор-ўчарга чиқишдан олдин ҳам намоз вақтларини ҳисобга олади. Бирор юмуш билан кўчага чиққанида ҳам имкони борида намоз вақтлари бир-биридан узоқ бўлган пайтни танлайди. Эркакларда кўчада кетаётганларида намоз вақти бўлиб қолса, масжидларга кириб ўқиш имконияти бор. Аёллар эса уйларига қайтиб келгунларича намоз вақтлари ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун улар куннинг намоз вақтлари бир-бирига яқин бўлган пайтида кўчага чиқмаганлари маъқул.

Азиз опа-сингиллар! Намозларимизга жиддий эътибор қаратайлик. Аксарият опа-сингилларимиз бу улуғ ибодатга эътиборсиз бўлмоқдалар. Азиз опа-сингилларим, авратларингизни номаҳрамлардан тўсибсиз, Аллоҳ юзларингизни нурли қилсин. Охиратда саодатли бандалардан



бўлинг. Аммо фақат ҳижоб кийишнинг ўзи кифоя эмас. Беш вақт намозни ўз вақтида адо этиш ҳар бир мусулмон ва муслимага фарздир. Ҳатто намознинг фарзлик даражаси ҳижобдан устун туради. Ҳижоб киймаган, авратларини харомдан тўсмаган аёл қаттиқ гуноҳкор бўлади. Намоз ўқимаган-чи? Намоз ўқимаганга Аллоҳ таолонинг қаттиқ ваийдлари бор. У Зот Мудассир сурасида дўзахийларнинг ҳолатини шундай баён қилади:

**“Сизларни оловга нима киритди? Улар дерлар: “Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик” (Мудассир 42,43-оятлар).**

Намоз билан иймон ажралмас нарсалардир. Бу оят мусулмон кишининг ҳаётида намознинг аҳамияти ниҳоятда улкан эканига далолатдир.

Фарз намозларни ўз вақтида ўқиш қатъий лозимдир. Кимки намознинг вақтини узрсиз ўтказиб юборса, гуноҳи кабиралардан бирини қилган бўлиб, қаттиқ гуноҳкор бўлади.

﴿۱۰۳﴾ **إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْفُوتًا**

**«Албатта, намоз мўминларга вақти тайин фарз бўлгандир» (Нисо сураси, 103-оят)**

Демак, намозни ўз вақтида ўқиш мўминлар учун фарзи айндир. Мўмин бўлмаганларга, жаннатни умид қилмайдиганларга намоз ўқиш ҳам фарз эмас.

Уламолар ичида «Намоз ўқимаган кишининг иймони шубҳалидир», деганлари ҳам бўлган. Шундай экан, намозимизни муҳофаза қилиб, ўз вақтида тўла-тўқис адо этайлик. Зеро, қабрда ҳам, маҳшарда ҳам намоз ҳақида сўраламиз. Намозимиз дуруст бўлса, қолган амалларимиз ҳам дуруст бўлади.

*Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоят қилиб, ўзи адаштирмасин! Омин!*



**Майитни чиқариш**

**Савол:** Ассалому алайкум, Шайх Ҳазратлари! Майит чиқарилаётган кўплаб хонадонларда сервант, ойна, телевизор кабиларни чойшаблар билан ёпиб қўйишади. Шу нарса динимизда борми ёки бидъатми?

**Жавоб:** Бу нарсалар бидъат.

**«Бегойи жума»**

**Савол:** Ҳурматли устоз, саволим қуйидагича: Ўзим Бухоро шаҳриданман. Бизнинг юртимизда одам вафот этганидан кейинги иккинчи ёки учинчи кунни «бегойи жума» деб аташади. Баъзан бизни ҳам ўшандай маросимга таклиф этишади. Устоз, бу маросим бидъат эмасми? Биз қатнашсак ва ёзилган дастурхондан тановул қилсак бўладими?

Жавобингиз учун аввалдан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин!

**Жавоб:** Бу бидъатдир. Дафндан кейин тўлиқ уч кун ўтмагунча, маросим қилиб бўлмайди.

**Сафар ойида совчилик**

**Савол:** Ассалому алайкум.

Сафар ойида қизнинг уйига совчиликка бориб, “нон синдириш”, яъни келишиб қў-

йиш дуруст эмас, деган фикрлар бор. Илтимос, мана шунга фикрингизни билдирсангиз. Раҳмат.

**Жавоб:** Бу гапга ҳеч қандай асос йўқ.

**Умра**

**Савол:** Устоз, бир домла «Йил буйи умра қилиш мумкин, фақатгина 4 кун умра зиёратини қилиб бўлмайди», дедилар. Булар Ййди Қурбондан бир кун олдин, Арафа куни ва уч кун Қурбонлик кунлари экан. Бу кунлар фарз ва вожиб амалларини қиладиган кунлар экан. Шу саволга аниқлик киритсангиз. Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин.

**Жавоб:** Умранинг белгиланган вақти йўқ.

«Қурайш ва унинг динини тутганлар ҳаж ойларидаги умрани ер юзидаги энг катта бузқликлардан бири деб билар эдилар. Улар Сафар (ойи)ни харом (ой)ларидан қилар эдилар ва «Қачонки туянинг яраси битса, излар йўқолса, сафар ойи тугаса, умра қилувчига умра ҳалол бўлади», дер эдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари тўртинчи куни эрталаб эҳром боғлаб, ҳажга келдилар. У зот уларга уни умра



қилишни буюрдилар. У (иш) уларга катта бўлиб кўринди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳалолликнинг қай бири?» дейишди.

«Ҳалолликнинг барчаси», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Улар Сафар ойини ҳаром ойларидан бирига айлантириб олар эдилар. Яъни, Сафар ойини Мухаррам ойи ўрнига ҳаром ойлардан деб эълон қилар эдилар. Жоҳилият аҳлининг бунга ўхшаш ўзлари-ча жорий қилиб олган ишлари жуда ҳам кўп эди. Шундай ишлардан бири – уларнинг ҳаж ойларидаги умрани ер юзидаги энг катта бузуқликлардан бири деб билишлари эди.

Ислому жоҳилиятнинг барча бузуқликларини тузатди. Жумладан, умрани ҳар доим қилиш мумкинлигини жорий қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида саҳобаи киромлардан қурбонлик ҳайдаб келмаганларига ҳаж ниятларини умрага айлантиришни маслаҳат бердилар.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Бу умра билан ҳузурландик. Кимнинг ҳузурда қурбонлиги бўлмаса, бутунлай эҳромдан чиқсин. Бас, умра қиёмат кунигача ҳажнинг ичига кирди», дедилар».**

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Яъни, қиёматгача ҳаж кунларида ҳам умра қилишга рухсат берилди.

Мухарриш ал-Каъбий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси Жаъронадан умрага чиқдилар. Маккага кечаси кирдилар. Умраларини тамомлаб, ўша кечаси Жаъронада худди у ерда тунагандек тонг оттирдилар».**

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар. Имом Термизий ҳасан, деган. Бу унинг лафзидир.

Бу ривоятдан умрани кеча ёки кундузнинг тўғри келган вақтида қилавериш мумкинлиги келиб чиқади. Дарҳақиқат, умранинг чегараланган вақти йўқ. Бу ибодатни қачон қилса ҳам бўлаверади.

*Дастурхондаги пичоқ*

**Савол:** Овқатланиб бўлгандан сўнг тиловат пайтида дастурхон устида турган пичокни олиб

қўйишади. Мен бир сафар олдимда турган пичокни олиб қўймаган эдим, озгина койиган бўлишди. Аниқ бир нарса билмаганим учун индай олмадим. Устоз, бу ҳолатда нима қилиш керак?

**Жавоб:** Бу бидъатдан бошқа гап эмас.

*Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақларида*

**Савол:** Қадрли Шайх Ҳазратлари! Кўрсатган ҳимматингиз учун ташаккурлар. Ушбу саволга бобомиз айнан ўзингиздан жавоб олмоқчилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам милодий 571 йилда туғилганлар, 622 йили ҳижрат қилганлар ва ҳижратнинг ўн биринчи йили, яъни 62 ёшларида вафот этганлар. Шу туғрими? Олдиндан катта раҳмат. Нишонлик Муллахудоёр бобо номидан.

**Жавоб:** Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилишлари – Фил йили, 12-Рабиул аввал. (милодий 570 сана. 20 апрель) Пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадинага ҳижратлари – пайғамбарликнинг ўн тўртинчи йили, Сафар ойи – Ҳижрий 1-сана. Пайғамбар алайҳиссаломнинг вафотлари – Ҳижрий 11-сана, 2-Рабиул аввал. У зот 63 ёшда вафот этганлар.

**«Татуаж» ҳақида**

**Савол:** Ассаламу алайкум, Ҳазрат. Бир танишимнинг илтимоси билан савол сўрамоқчи эдим. Унинг айтишича, лабининг чети аллергиянинг асорати туфайли хунук ҳолга келган, лекин ўзим кўрмадим. У лабининг шаклини тиклаш мақсадида татуаж қилдириши мумкинми? Биров унга «Эри рухсат берса мумкин», деб айтибди (унинг эри йўқ). Мен: «Игнада терига ранг бериб, татуаж қилинса, таҳорат ўтмайди-ку», деб айтган эдим, сиздан шу ҳақда сўраб беришимни илтимос қилди. Ҳазрат, лабига шакл бериш мақсадида татуаж қилдириш мумкинми? Аллоҳ рози бўлсин.

**Жавоб:** Таҳоратга ҳалал бергани учун мумкин эмас.

*«Зикр аҳлидан сўранг» саҳифасидан олинди.*





## ҲАЗРАТИ САВДА БИНТИ ЗАМЪА РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Хадийжа онамиздан сўнг никоҳларига олган илк аёллари ҳазрати Савда бинти Замъа онамиз эдилар. Савда онамизнинг оталари Замъа ибн Қайс ибн Абд Шамс ибн Абд Вудд ибн Амир ибн Луай ибн Ғолиб, оналари эса аш-Шамус бинти Қайс ибн Амр ибн Зайд ибн Лабид ибн Хидаш ибн Амира бану Ади ибн ан-Нажжар қабиласидан эди. Савда онамиз дастлаб амакиларининг ўғли Сакрон ибн Амрга турмушга чиққанлар. Икковлари Ислонни қабул қилиб, Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар ва саккиз муҳожирнинг сафидан жой олганлар. Сакрон ибн Амр бетоб бўлиб вафот этган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадийжа онамизнинг вафотларидан бир неча йил кейин, Тоифдан ниҳоятда таъсирланган ҳолда қайтган эдилар. Савда онамизга уйланишлари ана шундай вақтга тўғри келган.

Мўмина аёллардан Хавла бинти Ҳаким розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг номларидан Савда онамизга совчи бўлиб борганлар. Савда онамиз оталарининг розиликлари билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиқиб, маҳрга тўрт юз дирҳам олганлар. Ўшанда Рамазон ойи бўлиб, пайғамбарликнинг ўнинчи йили эди.

Бу никоҳдан маккаликлар таажжубланадилар. Чунки Савда онамизнинг ёшлари анча ўтиб қолган, унчалик чиройли ҳам эмасдилар, яна Хадийжа онамиздан кейин... Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қийинчиликда қолган бева аёлни ўз ҳимояларига олдилар. Мўминларнинг онаси Савда розияллоҳу анҳо ҳам зиммаларидаги масъулиятларини адо этишга сидқидилдан киришиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг етим қолган фарзандлари тарбияси билан шуғулландилар.

Савда розияллоҳу анҳо итоатли, Расулуллоҳга суюкли, ҳазилкаш аёл эдилар.

Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳи «Тобақот» номли машҳур китобларида бу борада қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Савда розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, кеча ортингизда намоз ўқидим. Шунчалар рукуъ қилдингизки, қон оқиб кетмасин, деб бурнимни ушлаб тур-

дим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. У аҳён-аҳёнда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эди».

Шу тарзда уч йил ўтди. Савда бинти Замъа онамизнинг хонадонларига Оиша онамиз кириб келганларидан кейин ҳам ҳазил-мутойибани тарк этмадилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хонадонларига бошқа аёллари бирин-кетин кириб кела бошлашди. Бироқ бу ҳол Савда бинти Замъа онамизнинг ўз ўринларини йўқотишларига сабаб бўлмади. У киши ўз ўринларини йўқотмасдан, ҳар кимга ўзига яраша муомала қилиб боравердилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Мен Савдадан бошқа тутими ва сийратида ўзимга ёқадиган, унга ўхшаш аёлни кўрмадим. У ёши катта бўлганда: “Эй Аллоҳнинг Расули, сиздаги ҳаққим бор кунимни Оишага бердим”, деди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оишага икки кун – ўз кунини ва Савданинг кунини тақсим қилар эдилар”.

Аллоҳ таолонинг изни ила Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилганларида Савда бинти Замъа онамиз ҳам кизларини олиб, у зотнинг ортларидан ҳижрат қилдилар. У ерда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хонадонларини бошқариб турдилар.

Бадр жангида қариндошлари Сухайл ибн Амр асир тушганда, соддадиллик билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган ишоралари туфайли шаръий қоидаларга яна бир қоида – асирларга яхшилик қилиш қўшилган. Савда онамиз бетакрор хислатлари, ҳудожўйликлари, сахийликлари билан ажралиб турардилар. Умар розияллоҳу анҳо у кишига бир халта дирҳам юборганларида, ҳаммасини тарқатиб юборганлар. Ғазотда иштирок этиб, Хайбарнинг фатҳ қилинишига гувоҳ бўлганлар.

Ҳазрати Савда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида вафот этганлар. Бу пайтда улар чамаси саксон ёшда бўлганлар. Савда онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дан бешта ҳадис нақл қилганлар, бу ҳадислардан бирини Имом Бухорий ривоят қилган. Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлсин! Омин.

Аллоҳ таоло инсонни Ўзининг барча махлуқотлари ичида энг гўзал суратда яратган. Унинг аъзоларидан бири тилдир. Инсон тили билан атрофдагиларга яхши гаплар айтиши, хушхабарлар етказиши, аксинча, худди мана шу тили билан ғийбат, чақимчилик қилиши, ёлғон сўзларни айтиши, шак-шубҳали хабарларни етказиши мумкин.

Аёллар орасида бир гапни эшитиб олиб, унинг тўғри ёки нотўғрилигини билмай туриб, бошқаларга етказиш ҳоллари кўп учрайди. Бу гапларнинг кўпчилиги асосан миш-мишлардан, асоссиз гап-сўзлардан иборат бўлади. Бундай асоси бўлмаган гапларнинг тарқалиши аксарият ҳолларда атрофдагилардан ёмон гумонда бўлишга, айби йўқ кишиларга тухматлар ёғилишига, кишилар ўртасида адоватнинг кучайишига сабаб бўлади. Шошқалоқлик, бадгумонлик, ғийбат, тухмат каби иллатларга енгил қараш ана

Аллоҳ таоло Хужурот сурасида: «Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар...» деган (12-оят).

Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлишга, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйишга ҳаракат қилиш лозим.

Тилдан келадиган офатлар жуда кўп ва турли-тумандир. Улар кўнгилларни хира қилади. Ҳатто инсонлар орасидаги оила, силаи раҳм, дўстлик каби ришталарнинг узилиб кетишига сабаб бўлади. Бу офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туришдир. Ўрни келганда ҳар хил гапларни гапиравермасдан жим туриш ҳам улуғ фазилатдир.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким

# БАДГУМОНЛИКДАН САҚЛАНИНГ

шундай нохуш оқибатларга олиб келади. Агар яхшилаб суриштирилса, бу гапларнинг аксарияти нотўғри бўлиб чиқади.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бадгумонликдан сақланинг. Албатта, бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир. Пойлаш ва жосуслик билан шуғулланманг. Ўзаро рақиб бўлманг ва ўзаро ҳасад қилманг. Бир-бирингизни ёмон кўрманг ва бир-бирингизга қарши тадбир қилманг. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар», дедилар».

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўп ҳолларда бир-бошқалардан ёмон гумонда бўлиш оқибатида келиб чиқади.

Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин» дедилар».

Ибн Амрдан ривоят қилинади: «Ким сукут сақласа, нажот топади».

Аллоҳнинг ҳузурини нажот топиш учун Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилайлик. Аёлларга хос бўлган тил офатларидан сақланишга ҳаракат қилайлик. Бадгумонлик иллатидан четланайлик.

Роббим барчаларимизга ширинсўз ва хусни хулқли муслималар бўлишимизни насиб этсин!

*Дилафруз тайёрлади.*



Замонамиз тарихчиси бўлмиш Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар” деб номланган илмий-оммабоп асарларидаги мақолалардан бериб, сизларни таништиришга ижозат бергайсиз.

Сароймулкхоним мўғул хони Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган. Отаси қатл қилинганда у беш ёшда эди. 1355 йилда (14 ёш) Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Ғоziхоннинг набираси амир Ҳусайн уни никоҳига олди.

Амир Темур 1370 йилдаги жангда амир Ҳусайнни енгиб, ҳукмронликни ўз қўлига олди. Шундан сўнг уч ой идда муддати ўтгач, саройнинг баъзи бекаларини Амир Темур ўз никоҳига олди. Улар орасида

Сароймулкхоним ҳам бор эди. Сароймулкхоним мўғул хонининг қизи эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур “кўрагон” (мўғулча «куёв» дегани) унвонини олди. Малика бошқа маликалардан фаркли ўларок, “Катта хоним” ёки “Бибихоним” деган унвонга ноил бўлди, чунки у ақл-заковатда, дид-фаросатда ва ҳуснда ҳам беназирлиги, фикр доирасининг кенглиги билан ажралиб турарди. Мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан хабардор бўлиб, доно маслаҳатлари билан қатнашган, Амир Темур унинг маслаҳатларига ошқора бўйсунмаган бўлса-да, инобатга олган.

Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида Сароймулкхоним ҳам кўпинча бирга борган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга юриш қилганида, Исфохоннинг қамали кўпга чўзилиб,

озука маблағи камая бошлаган, шунда Самарқандга қисқагина мактуб жўнатишган. Унда “Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг”, деб ёзилган эди. Уни ўқигач, мактубнинг орқасига “Зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими?..” деган жавоб хати ёзиб жўнатишган. Амир Темур хатнинг мазмунини ўйлаб-ўйлаб, бир қарорга келган. Шу куниек лашкаргоҳда сўйиб ейилган молларнинг суякларини йиғдирган ва турли ҳажмда кестирган, пўлатни қиздириб, катта суякларга катта қиймат, кичик суякларга кичик қиймат муҳрини бостирган. Уларни муваққат (вақтинчалик) пул ўрнида муомалага киритишга фармон берган, натижада қўшни шаҳар ва

кишлоқлардан озиқ-овқат сотиб олишга эришган. Исфохон шаҳри таслим бўлгач, суяк пуллар зарига алмаштирилган.

*Нозима  
тайёрлади.*

## Ассалому алайкум азизлар!



# СЕҲР ВА ФОЛБИНЛИККА ИШОНИШ ИЙМОННИНГ ЗАИФЛИГИДАН

Ҳозирги кунда кишиларимиз орасида кўп учрайдиган, шариатга тўғри келмайдиган – фолбинга фол очтириш, ўқитиб, иссиқ-совуқ қилиш, бировнинг йўлини «очиби юбориш», яна бировникини «беркитиб қўйиш», «мушкул кушот» ўқитиб, мушкулни осон қилиш, тугун оши қилиб, тугунларни ечиб юбориш, Худо йўлига холвайтар пишириб, «эҳсон» қилиш, чилтон суви ичиш, «боболар»га (««Боболар» кимлар?», «Чилтон суви нима?») деб сўрасангиз, ўзлари ҳам билишмайди) атаб жонлик сўйиш каби иллатлар ниҳоятда урчиб кетди.

Аслида бундай нарсалар борми, уларга ишониш керакми-йўқми, деган саволлар кишилар ўртасида тез-тез қулоққа чалиниб туради. Биз ушбу саҳифада бу нарсалар ҳақида диний таълимотларда келган баъзи маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Сеҳр» сўзи луғатда ҳар бир чиқиб келган жойи дақиқ ва латиф, сабаби махфий бўлган нарсага ишлатилади. Сеҳр – ботил нарсанинг ҳақ суратда кўринишидир. Яъни бирор нарсани одамларнинг кўзига унинг ҳақиқатидан бошқача қилиб кўрсатишидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлиб келишларидан олдин сеҳрнинг баъзи турлари мавжуд бўлган. Олдинги фолбинлар, кохинлар баъзи нарсаларни, яъни олдин бўлиб ўтган нарсаларни жинлар ёрдамида билишган. Жинлар осмонга чиқиб, фаришталарнинг гапларини эшитиб, уларни фолбинларга етказишган. Фолбинлар бу маълумотларга ўзларидан қўшиб, ғайбни биладигандек қилиб сўзлаб беришган. Ёки одамлари келиб, айтиб берганини рўқач қилишган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом келганларидан кейин жинлар осмонга аввалгидек ғайб хабарларини ўғрилиқча эшитиш, кишилар тақдирини билиш учун кўтарилганларида тамоман бошқа ҳолатга дуч келганлар, уларни юлдузлардан отилиб чиққан учкунлар қувлайдиган бўлган. Шундай қилиб улар ҳеч нарсани била олмайдиган бўлишган.

Баъзилари кишиларни алдашга шунчалик уста бўлишганки, ҳатто арқонларни илонга айлантиргандек қилиб кўрсатишган. Ёки қушни сўйиб, кейин уларни тирилтиришган. Аслида эса уларнинг арқонлари те-

ридан бўлиб, уни симоб билан тўлдиришган. Сўнг ерни кавлаб унинг ичини чўғ билан тўлдиришган ва арқонларини у ерга отишган. Симоб қизиби, арқонлар кимирлай бошлаган ва илонга ўхшаш ҳаракатлар қилган.

Қушни тирилтиришда ҳам сеҳргарлар хийла ишлатишган. Аслида уларда иккита қуш бўлган. Бирини беркитиб, иккинчисини сўйган ва худди иккинчиси тирилгандек қилиб кўрсатиб, тиригини учуришган. Бундай нарсаларни кўрган одамлар уларни кўжларга кўтаришган.

Ҳозирга келиб сеҳрнинг турли хиллари чиқиб кетган. Улар ҳам худди аввалгиларига ўхшаш ёлғон-яшиқлардан иборатдир. Ғайб илмини ҳеч ким била олмайди, уни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Баъзиларга жин тегиши ёки «иссиқ-совуқ» таъсир қилиши мумкин. Лекин буларнинг барчаси фақат Аллоҳнинг изни билан бўлади. Чунки Аллоҳ ҳар бир нарсанинг риоясини қилувчи Зотдир. «Иссиқ-совуқ» кўп ҳолларда ибодатсиз, намоз ўқимайдиган ва ҳар турли бидъат-хурофотларга жуда қаттиқ ишонадиган, буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан эканига қатъий ишонмайдиган одамларга таъсир қилади. Буларнинг олдини олиш учун доимо Аллоҳдан паноҳ тилаш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, икки муаввизатайнларни кўпроқ ўқиш ва бундай синовларга дучор қилмаслигини Аллоҳдан сўраб юриш лозим.

Имом Бухорий Оиша онамиздан ривоят қиладилар:

“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча жойларига ётсалар, икки кафтларига “Қул хуваллоҳу аҳад”, “Қул аъзу бироббил фалақ” ва “Қул аъзу бироббиннаас” сураларини ўқиб, дам солиб, баданларига суртиб ётардилар”.

Биз ҳам мана шу суннатга амал қилишимиз, одатланишимиз ва бу хусусда билган нарсаларимизни бошқаларга ўргатишимиз лозим. Чунки бу каби нарсаларни арзимас санаб, бепарво бўлиш келажакда катта-катта салбий оқибатларга олиб келиши турган гап.

*Назокат тайёрлади.*



Баъзи кишиларнинг беморликдан нолишларига, саратон каби оғир касалликка чалинган кишиларнинг умидсизликка тушиб қолганларига гувоҳ бўламиз. Аслида эса бемор тавҳидда мустаҳкам туриб, машаққат чекса ҳам, намозларида қоим турса, унга ҳеч қандай ҳавф-хатар яқинлашмайди.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим тўшагида ётган бир йигитни зиёрат қилдилар ва сўрадилар: “Ўзингни қандай хис этиясан?” Йигит: “Аллоҳнинг раҳматидан умидворман ва гуноҳларимдан қўрқаман, эй Аллоҳнинг Расули!” деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қайси банданинг қалбида мана шу ўринда, шу икки нарса жам бўлар экан, Аллоҳ унга умид қилаётган нарсасини ато этиб, қўрқаётган нарсасидан хотиржам қилади”, деб марҳамат қилдилар».**

Лекин бу ҳадисни ҳужжат қилиб, амалларга сусткаш бўлиб қолмаслик керак. Ким қачон ўлишини ҳеч ким билмайди. Ўлим огоҳлантирмасдан, тўсатдан келади. Умуман олганда, Аллоҳнинг тақдирига рози бўлиб, сабр қилиб яшаган мўмин агар ҳаёти давом этса, ажру-савобларга эга бўлади, вафот этадиган бўлса, Аллоҳнинг раҳматига эришади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб: **“Ўлим мўмин учун тухфадир”**, деганлар (*Табароний ривояти*).

Аллоҳ таоло нимаики яратмасин, бизнинг наздимизда у ёмон ёки яхши бўлсин, у нарсаларда неъмат ва ҳикмат бордир. Аллоҳ кўпгина карама-қаршиликларни яратганки, улар сабабли неъматларнинг қадри англонади. Агар тун бўлмаганда, кундузнинг қадри, касаллик бўлмаганда, соғлиқ-саломатликнинг қадри сезилмас эди. Лекин банда ўзига берилган ҳар қандай дардга сабр қилиш билан бирга, ўша касалликни кетказиш чораларини излаш, ҳаракат қилишга буюрилган.

Касалликнинг бир неча фойдалари бўлиб, улар зарур вақтда ёддан кўтарилади.

Дардга чалиниш сабабли киши нафсининг ислоҳ бўлишига, турли ёмонликлардан, гуноҳлардан покланишга сабаб бўлади. Шунингдек, кишига етган беморлик охирада лаззат ва сурур келтириши, Аллоҳнинг беморга яқин бўлишига сабаб бўлиши бор. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло дейди: **“Эй Одам боласи! Фалончи бандам касал бўлди, кўргани бормадинг, агар борганинда, унинг ҳузурда Мени топган бўлардинг”** (Абу Хурайрадан Муслим ривоят қилган).

Бемор инсоннинг сабри синалади, у Аллоҳга илтижою дуолар қилади, Унинг паноҳига қочади. Касалликнинг фойдаларидан яна бири шуки, банда томонидан тааббуд – кулчиликнинг турли кўринишлари зоҳир бўлади. Аллоҳ таоло бандасини кибрдан, мактанчоқлик иллатларидан поклайди. Киши сиҳат-саломатликнинг қадрини биллади. Касаллик бандага Робби томонидан ато этилган эҳсон ва раҳматдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Агар шукр қилсангиз ва иймон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қилади?! Аллоҳ кўп савоб берувчидир, ўта билувчидир»** (*Нисо сураси, 147-оят*).

Албатта, касаллик жазо, уқубат эмас, балки неъматдир. Унда турли хил лаззатлар бор. Беморга яқин биродарлари, қариндошлари ғамхўрлик қилишади, бу билан у меҳрмуҳаббат лаззатидан баҳраманд бўлади. Бемор Аллоҳга илтижо қилаётганида мисли йўқ лаззатни хис этади. Тўшакка миҳланиб, қийинчилик лаҳзалари ўтиб, офият дамлари келганда, дуолар ижобат бўлиб касаллик тузалганда Аллоҳдан миннатдорчилик, розилик, хурсандчилик лаззатини туяди. Яна тенглик лаззати. Касаллик бой ва фақирни ажратмайди. Касаллик фақат камбағаллик ёки муҳтожликдан, ёки тўйиб овқатланмаслик сабабидан бўлганида, касалликка фақат камбағал ва мискинлар чалинган бўлар, бойбадавлат кишилар эса бундан халос бўлган бўлардилар. Аммо дард камбағал билан бойни, мансабдор билан оддий хизматчини фарқламайди. Унинг учун барча тенгдир.

Хулоса шуки, инсон дардга чалинганида ҳам руҳий, ҳам баданий фойда ва манфаатларга эга бўлади.

Аёл киши жамиятда юксак ўринга эга. Аёл – она, аёл – тарбиячи, аёл – эрнинг суянчиғи. Аёл нафосат ва гўзаллик рамзи сифатида эъзозланади. Ислонда аёл кишига ва унинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**У сизларни бир жондан яратган ва сокинлик топиши учун ундан жуфтини яратган Зотдир**» (*Аъроф сура-си, 189-оят*). Аллоҳ таоло ушбу оятда “жуфт” – аёл сукунат, осойишталик, ором, латофат, меҳр-мухаббат рамзи эканлигини баён қилмоқда. Аёлнинг бу мактовга лойиқ бўлиши жамиятда ва эри олдида унинг обрўсини оширади. Эрига содиқ хизмат қилиш, фарзандларни солиҳ инсонлар қилиб тарбиялаш аёл кишининг бурчи бўлиши билан бирга, уни жаннатга олиб киради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳга ширк келтирмаган, намозини, рўзасини вақтида адо этган ва эрини рози қилган аёлга жаннат башоратини берганлар. Аёл киши эрининг вазири бўлиб, уни гуноҳ ишлардан қайтаради, яхши амалларга тарғиб қилади ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мактаган аёллар тои-



## ЭРНИ ЭР ҚИЛАДИГАН ҲАМ ХОТИН...



фасига киришга интилади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: “Мўмин бандда Аллоҳга бўлган иймонидан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотин бўлиб, унга қараса, хурсанд қилади ва Аллоҳнинг амрларини бажаришга ёрдам беради”.

Ўзбек халқида ҳам “Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин”, деган мақол бот-бот такрорланади. Араб халқида эса “Ҳар бир улкан шахснинг ортида аёл бор”, деган ибора бор. Юртимизда яшаб ўтган муҳаддис алломаларни ҳам, бутун дунёдаги алломаларни ҳам солиҳа аёллар дунёга келтиришган. Улардан Аллоҳ рози бўлсин.

Энг гўзал хулқ ва фазилят қаноатдир. Эрининг топганига қаноат қилган, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам у билан елкама-елка турган аёл энг яхши аёлдир. Сўфи Оллоҳёр яхши, қаноатли хотинларни таърифлаб, шундай дейди:

Агар бор олғонингни яхши ҳоли,  
Дема хотун, дегил диннинг камоли.


Хуш ул зан билмаса беҳуда дерни,  
Сучук лафзи ила шод этса эрни.

Агар ўн йил уйида бўлмаса ун,  
Уни чиқмас уни айтурға бир кун.

Сабр-тоқатли, бориға қаноат қилмайдиган аёл эрнинг ҳаромдан мол топишига, оилада турли жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Аёл кишининг қаноатли бўлиши унинг ожизлигидан нишона эмас, балки мақталган сифатдир. Али розияллоху анху Фотима розияллоху анҳони ранглари оқарган, лоҳас ҳолда кўриб: “Сенга нима бўлди, Фотима?”, дедилар. Фотима розияллоху анҳо: “Уч кундан буён уйда егулик нарса топилмайди”, дедилар. Али розияллоху анху:

“Шундай экан, айтсанг бўлмасмиди?” дедилар. Шунда Фотима розияллоху анҳо: “Тўйимиз куни отам – Аллоҳнинг Расули алайҳиссалом: “Хой Фотима! Агар Али бирор нарса топиб келса, егин, бўлмаса сўрамагин”, деган эдилар”, деб жавоб бердилар.

Ҳаётда турли ҳолатлар бўлиши мумкин. Бундай пайтларда аёл киши ўзини оқила тутиши, ғазабини ичига ютиши лозим. Лекин ҳозирда бу ҳолатларнинг аксини кўрмоқдамиз. Кўпчилик аёллар сабрли, қаноатли бўлиш ўрнига эрларига зулм қилишмоқда: тўй-ҳашамларда тоғоралар сонини орттираётганлар ҳам аёллар, тўй-маросимларда янги-янги маросимларни ўйлаб топиб, эрларини мушкул ҳолатга солиб қўётганлар ҳам аёллар. Бундай исрофгарчиликлар ёшларимизнинг бахтли бўлишларини таъминлай олармикан? Аксинча, исрофгарчилик қанчалик кўпайс аҳам, қудаларнинг, тўғрироғи, аёл қуданинг кўнгли тўлмайди. Азиз опагон, онагонлар! Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қизларини қандай узатганлар? Фақат «Ҳозир замон бошқача», деманг. Турли урф-одатларни тўкиб чиқараётган кимлар ўзи? Бунинг ўрнига қизлармизга юқорида айтиб ўтганимиз – Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Фотима розияллоху анҳога тўй куни айтган насиҳатларини бир эслатиб ўтсак яхши бўларди. Оиланинг мустаҳкамлиги асосан аёлга боғлиқ. Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин.



Ҳар бир ота-она фарзандига меҳрибон бўлиши шубҳасиздир. Бу меҳрибонлик фарзанд туғилмасиданоқ бошланади. Ҳомиладорлик вақтидаги оғирликлар, фарзанд туғилишидаги қаттиқ оғриқлар, уни тарбиялаб, вояга етказишдаги машаққатлар ота-онанинг фарзандига бўлган меҳрини заррача камайтира олмайди. Фарзанд туғилгач, ундан бир оғиз «Ойи», «Дада» деган сўзни эшитиш учун ота-она ойлар давомида, баъзан бир йилдан ошиқ муддатда фарзандининг оғзига тикилади. Эсган шаббодани ҳам фарзандига раво кўрмайди. Унинг оловга тушиши у ёқда турсин, унга биргина олов учкуни тегиб ўтсин-чи, бунга тоқат қила олармикан?! Қанчалар улуғ меҳрибонлик! «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг муҳаббатидан сўнг яна кимда кимга нисбатан бу қадар кучли севги бўлиши мумкин?» деб савол берилса, ҳеч иккиланмасдан, «Ота-онада фарзандига нисбатан» деб жавоб бериш мумкин. Афсуски, баъзи ота-

марта ўқилмаган фарз намознинг жазоси қирк йил дўзах ўтида куйишидир.

Қайси ота-она фарзандининг шундай жазо олишига рози бўла олади?! Албатта, ҳеч бир ота-она бунга рози бўлмайди. Шундай экан, фарзандимизга ҳақиқий меҳр кўрсатайлик! Нафақат фарзандга, балки атрофдаги барча инсонларга ҳақиқий меҳр кўрсатиш лозим! Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَّهُ تُوْنُوْنُوْنُوْ

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва ахли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» (*Таҳрим сура-си, 6-оят*).

Имом Дора Қутний Амр ибн Шуъайбдан, у киши отасидан, у киши бобоси розияллоҳу анхумдан қилган ривоятда Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ёш болаларингизни етти ёшлиқларида намоз

ўқишга амр қилинлар. Ўн ёшга етганларида унинг учун уринлар ва ётар жойларини алоҳида қилинлар. Қачон бирингиз ўз чўриси қулига ёки мардикорига никоҳлаб берса, унинг киндигидан пастига ва тиззасидан юқорисига назар солмасин. Чунки киндикдан пасти ва тиззадан юқориси авратдандир», деганлар.

Мазкур ҳадисда болаларни очик-ойдин намозга буюрилгани кўриниб турибди. Агар уларнинг оромини бузмаслик учун намозга буюрмаслик меҳр кўрсатиш бўлганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаргиз бундай демас эдилар, чунки у зот оламларга раҳмат бўлиб келганлар, чунки у зот болаларга, бутун умматга энг меҳрибон зот эдилар!

*Ғиёсиддин Муҳаммад Юсуф*

## Ҳақиқий меҳр қандай бўлади?

оналарда бу меҳрибонлик нотўғри кўринишда тус олган, яъни бунда зоҳиран меҳрибонлик акс этади, аммо аслида эса бунинг аксидир. Бунга куйидаги мисолни келтириш мумкин:

Саҳар вақти, кун совук... Бола ширин уйкуда... Ота-она уйғониб, бомдод намозини ўқишга тараддудланмоқда. Ҳозир фарзандини уйғотса, ширин уйкудан кечиб туриши, совукда таҳорат қилиши, номоз ўқиши керак. «Уйғотмай қўяқолай, ширингина уйқуси бузилмасин, мазза қилиб ухласин...» Кун исиб, кўзига куёш тушгач, бола истаб-истамай уйғонади... Шундай вақтда боласига ҳақиқий меҳр кўрсатадиган ота-она қайси йўлни танлайди? Агар боласининг уйқусини бузишни истамасликни унга нисбатан меҳр кўрсатиш десангиз, адашасиз. Бу ҳақиқий меҳр эмас, балки фарзандининг дўзах томон қадам қўйишига бепарво қараб туришидир. Чунки бир





# ФИРЪАВН САРОЙИДАГИ ЧАҚАЛОҚ



Бир куни дунёга машҳур золим подшоҳ Фиръавн кўрқинчли туш кўрибди. У сарой аъёнларини чақириб, тушининг таъбирини сўрабди. Таъбир айтувчи эса Бану Исроилда туғиладиган бир чақалоқ Фиръавннинг давлатини йиқитишини ва бу салтанат йўқ бўлишини айтибди. Буни эшитган Фиръавн дахшатга тушибди. Бану Исроилда туғилган ўғил бола чақалоқларни ўлдиришни буюрибди. У ҳар бир маҳаллага биттадан жаллод тайинлабди. Жаллодлар ҳар бир исроилликлар хонадонига кириб, янги туғилган ўғил бола чақалоқларни ўлдира бошлашибди. Мана шундай кунларнинг бирида ҳазрати Мусо алайҳиссалом дунёга келибди.

Ҳазрати Мусонинг онаси кўркув ва ҳаяжонда эди. Кимдир келиб, менинг ўғлимни ҳам ўлдиради, деб кўркиб яшарди. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломни Мусонинг онаси олдига юборибди. Жаброил унга: “Кўркма, Мусони эмиз ва уни сандиққа солиб, Нил дарёсига оқиз. Биз уни сенга яна берамиз. У пайғамбарларимиздан бири бўлади”, дебди. Она боласини сандиқчага солиб, дарёга оқизибди.

Фиръавннинг саройи дарё бўйида жойлашган эди. Унинг хотини канизаклари билан дарё бўйида ўтиришганда, оқиб келаётган сандиқни кўриб қолишибди. У сандиқни дарёдан олиб чиқишни буюрибди. Фиръавннинг хотини сандиқдаги нурли чақалоқ – Мусо алайҳиссаломни кўриб, уни жуда яхши

кўриб қолибди. У Фиръавндан бу болани ўғил қилиб олишни ялиниб сўрабди. Хотинининг гапини икки қилмайдиган Фиръавн бу таклифга рози бўлибди.

Мусонинг онаси боласини дарёга оқизгач, акасини сандиқнинг қаергача боришини кузатишга буюрган эди. У Мусонинг онасига бўлиб ўтган воқеани айтиб берибди ва она боласининг саройда эканидан хабар топибди. Саройда ҳамма чақалоқ билан овора эди. Мусо қорни очиб, йиғлайверибди, йиғлайверибди. Сут беришса, ичмабди. Энагалар топиб келтиришибди, бола ҳеч бири эммабди. Шунда энага ахтариб, ҳар ёққа одам юборишибди. Шу пайт Мусонинг холаси бир илож топиб, саройга кирибди ва жуда яхши энага топганини айтибди. Шундай қилиб, она-бола бир-бирларига етишибди. Онаси уни гўзал тарбиялаб, вояга етказибди.

*Зайнаб тайёрлади.*



# ИЛМНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА ЖОҲИЛЛИК ҚАБОҲАТИ

Илм олинглар. Илм билан бирга хотиржамлик, виқор ва ҳилмни (мулойимликни) ҳам олинглар. Сизга таълим бераётган кишига тавозеъли бўлинглар. Сиздан таълим олаётган кишилар ҳам тавозеъли бўлсинлар. Жабр қилувчи олимлардан бўлманглар. Илмингиз жоҳиллигингиз устига қоим бўлмасин.

*Али ибн Абу Толиб*

Илмни фурсат бўлганда ўрганавериш керак. Чунки илм олиш зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд*

Илмнинг ҳаммаси дунёдир. Охират эса унга амал қилишдир. Ихлос билан қилинганидан бошқа ҳамма амаллар беҳудадир.

*Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий*

Кишининг олим бўлишига Аллоҳ таолодан кўрқмоғи, илмсиз қолишига эса амалига мағрурланиши кифоя қилади.

*Масруқ*

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл. Лоақал илмни тинглаб, эшитадиган бўл, аммо тўртинчиси бўлма. Чунки касодга учраб, ҳалок бўласан.

*Абулқосим Замахшарий*

Истамай мутолаа қилаётган талаба – қанотсиз қуш.

*Саъдий Шерозий*

Жоҳилликдан бесаодатроқ нима бор?

*Алишер Навоий*

Ҳақ таоло ҳар замонда олимларни ўшал замона халқининг амалларига муносиб сўзлар билан гапиртириб қўяди.


*Абу Туроб Наҳшабий*

Билимим шу жойга етиб келдики, билимсизлигимни энди тушундим.

*Абу Шукр Балхий*

Гуноҳ қилиш илмнинг баракасини йўқотади, уни унутишга олиб келади.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд*





Ортикча таом истеъмол қилишнинг бир қанча сабаблари бор. Улардан энг муҳимлари куйидагилар:

### 1. Сезгининг таъсири

Тасаввур қилайлик, дунёдаги энг лазиз таомлар, ўзимиз севиб истеъмол қиладиган егуликлар билан тўла дастурхон атрофидамиз. Қорин тўк бўлса ҳам, оғзимизда сўлак пайдо бўлади. Ошқозондаги очлик сигнали ишлаб кетади. Гарчи бир оз олдин овқатланган бўлсак-да, ошқозонда яна бир оз жой борлиги ҳақида ўйлаймиз.

Кимда ушбу ҳолат пайдо бўлса, демак, унинг психологик тарбияга муҳтожлиги бор. Бундай ҳолатларда ички овозга қулоқ солишимиз, ейиш ёки емасликнинг фойда-зарарларини ўйлаб, табиий ички истакларнинг фарқини билишимиз лозим. Ўйлаб кўрайлик, ростдан ҳам шуни емасак бўлмайдами?!

### 2. Рекламалар

Рекламадан асосий мақсад – маҳсулотни харидор-гир қилишдир. Биз унинг таъсирида хорғин, тушкун кайфиятда ҳам шоколад ёки турли ичимлик(кола-

Баъзи вазни оғир кишилар ўзларидаги стресс ҳолатини ширинлик истеъмол қилиш билан даф қилишади. Ҳолбуки, бу ширинликлар аввалига ҳаловат берган бўлса-да, секин-аста қандли диабет, ҳолсизлик, бош айланиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Натижада яна шу ширинликларга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун стресс ҳолатининг бошқа даво чораларини излаш лозим бўлади. Ҳаётга бошқача кўз билан қараш, яшаш тарзини ўзгартириш ана шундай чоралардан саналади. Ширинликлар эса бундай пайтда «алдамчи нажоткор» бўлади ҳолос.

### 5. Ўта хорғинлик

Кўп таом истеъмол қилишга сабаб бўлувчи омиллардан яна бири хорғинликдир. Тунда егулик ейдиганлар энергияни бекорга тиклашга ҳаракат қилдилар. Ҳаддан ташқари кўп ишлайдиганлар, тунда ишловчилар чарчокни, очликни кетказиш учун меъёрдан ортикча ейишади. Чунки бу қондаги қанд миқдорини вақтинча кўтариб, чарчокни бир оз чекинтиради. Аслида хорғинликни кетказишнинг энг яхши

## НЕГА КЎП ЕЙМИЗ?

фанта)ларга қўл узатамиз. Чунки рекламаларда уларнинг яхши кайфият ва қувват беришини қайта-қайта таъкидлашади. Аслида ҳам шундайми, йўқми, бунга эътибор бериб ўтирмаймиз ва организмга зулм қилишда давом этамиз.

### 3. Мукофотлаш воситаси

Болалигимизда бирор яхши ишимиз учун ёки байрам кунлари мукофот тарзида ширинликлар, мевалар берилгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Бу одат улғайганимизда ҳам биз билан қолган, яъни нимадир каттароқ иш қилсак, ўзимизни ўзимиз, бирор тансиқроқ егулик билан мукофотлаб кўямиз. Бундай янглиш тарбия, яъни рағбат натижасида (семизлик, қандли диабет каби) ҳар хил жисмоний касалликлар юзага келади. Демак, фарзандларимизни бундай “мукофот”ларга ўргатмаслигимиз лозим. Бунинг ўрнига уларнинг кўлига китоб тутқизиш ёки бирор бир хушманзара жойга сайрга олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### 4. Стресс ҳолати

Айрим одамлар ташвишли кунларда ёки муаммолар ортидан юзага келган стресс ҳолатини тарқатиш мақсадида ҳам егулик ейишади. Шоколад, кекс, музқаймоқ, торт каби ширинликларни истеъмол қилганда қандайдир хузурланишни, ич-ичимиздан роҳатланишни хис қиламиз. Чунки бу егуликлар эндорфин – бахт гормонини кўзғатади.

воситаси вақтида дам олишдир. Қоринни тўйдириб олиш эса ишни уйқусираб, чала ва хато бажаришга олиб келади.

### 6. Ёлғизлик ҳисси

Баъзан инсон ўзини ёлғиз хис қилганда ҳам еб-ичишга тутунади. Пала-партиш овқатланиш натижасида семириб кетади ёки бирор аъзоси дардга чалинади. Бу ҳол уни одамлардан янада узоқлаштиради.

### 7. Одатланиш

Семиз кишиларнинг аксарияти яхши еб-ичишга одатланган бўлади. Улар эҳтиёжларидан кўпроқ ейишади. Телевизор қаршисида, йўлда кетаётиб, ҳатто ётиш олдидан оғир ҳазм бўладиган таомларни истеъмол қилишнинг зарарли эканини билишса-да, тарки одат амри маҳолдир. Натижа эса ўзингизга маълум.

### 8. Вақт етишмаслиги

Бу тезкор замонда хатоларимиздан яна бири овқатланишга жуда кам вақт ажратишимиздир. Кўп ҳолларда таомни чайнаб-чайнамай ютаверамиз. Ишимиз кўплигини ўйлаб, вақтдан ютишга уринамиз. Ҳолбуки, таомни сокин ҳолда, Яратганнинг берганига шукрона айтиб, шошмасдан ейиш лозим.

### 9. Дорилар

Қандли диабет, қон босими касалликларини даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар иштаҳани очиб, кўп овқат ейишга ундайди. Бундай ҳолларда киши ўзини тийиши, кўп ейиш билан дард аримаслигини ёдда тутиши лозим.

## Қўлларни парваришлаш

Аёл кишининг қўллари унинг ҳаёт тарзи, ўзига бўлган эътибори ва иш фаолиятдан далолат бериб туради. Маълум бўлишича, қўлларимиз танамизнинг бошқа қисмларига қараганда тезроқ қарир экан. Сабаби эса оддий: биз кунига бир неча марта қўлимизни совуқ, иссиқ сувга соламиз, кир, идиш-товоқ ювамиз. Бу юмушларда ишлатиладиган турли тозалаш воситалари уларга салбий таъсир кўрсатади. Натижада қўлларимизнинг териси ёрилади, қуриб кетади, ажинлари кўпаяди. Қўлларимизни ана шундай салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш учун уларнинг парвариши ҳақида ҳар куни қайғуришимиз керак бўлади.

Қўлга чанг, тупроқ илашадиган юмушлар билан шуғулланаётганингизда қўлингизга чарм ёки резина қўлқоп кийиб олишингизни маслаҳат берамиз. Кир ювишдан олдин ёки бирор кимёвий воситалардан фойдаланишдан олдин қўл терисини ҳимояловчи махсус суртмалардан (кремлардан) суриш ёки юқорида таъкидлаганимиздек, резина қўлқоп тақишни тавсия этамиз. Юмушлардан халос бўлгач, қўлларимизни яхшилаб ювиб, уларга озиклантирувчи қўл крем-

ларидан суриш мақсадга мувофиқдир. Қўллар парвариши учун уйда ҳам ниқоб ва лосьонлар тайёрлашингиз мумкин.

### Картошкали қўл ниқоби

Қайнатилган 2 та картошка эзилиб, унга 2 томчи глицерин, 2 томчи бодринг ёки лимон шарбати қўшилади. Ушбу аралашма қўл терисиде 10-15 дақиқа ушлаб турилади.

### Тухумли қўл ниқоби

1 та тухум сариғига 1 ош қошиқ асал ва 1 ош қошиқ сули уни қўшилади. Бу аралашма кечқурун ётиш олдидан суртилади. Ушбу ниқобдан кейин ажинли дағал қўллар юмшоқ ва эластик ҳолга келади.

### Қўл лосьони

50 гр глицерин ва 1 чой қошиқ новшадил спирти, 50 гр сув ва 2-3 томчи атир. Бу лосьондан кунига 1 марта фойдаланишингиз мумкин.





# Мевали галетлар

## Масаллиқлар:

7та майда ёки 1та катта галет учун:

Хамир: 250 гр ун, 125 гр муздек сариёғ ёки маргарин, 1/3 чой қошиқ туз, 2 ош қошиқ шакар, 1 ош қошиқ олма уксуси, 4-5 ош қошиқ муздек сув.

## Мевали қайла учун ишлатиладиган масаллиқлар:

5-6та катта шафтоли, 2 ош қошиқ шакар, 1 ош қошиқ долчин (рус: корица), 2 ош қошиқ печенье увоғи, 2 ош қошиқ крахмал.

## Тайёрланиши:

1. Элакдан ўтказилган унни туз, шакар билан аралаштирамиз ва сариёғни қўшамиз.

2. Масаллиқларни қўлда ёки ошхона комбайни ёрдамида яхшилаб аралаштириб, урвоқ ҳолига келтирамиз.

3. Урвоққа бир қошиқдан уксус ва сув солиб, хамир қорамиз.

4. Хамирни целофанга ўраб, совутгичга қўямиз. Меваларни тайёрлашни бошлаймиз. Бунинг учун мевани ўзимиз истаган катталиқда тўғраб оламиз.

5. Мевага шакар, долчин, крахмал ва печенье увоғини солиб, энгил аралаштирамиз.

6. Хамирдан 7та зувалача ясаб, диаметри 15 см катталиқда ёйиб чиқамиз.

7. Хамирнинг устига печенье увоғини сепамиз.

8. Меваларни соламиз.

9. Хамирнинг учларини бирлаштириб, тугиб чиқамиз.

10. 200 даражагача қиздирилган духовкада усти энгил қизаргунига қадар пиширамиз, бунга тахминан 15-20 дақиқа вақт кетади.



# Пишлоқ ва балиқли кекс

## Масаллиқлар:

2та тухум, 7 ош қошиқ ўсимлик ёғи ёки маргарин, 6 ош қошиқ қатик ёки сут, 1 стакан ун, 1 чой қошиқ разрыхлитель, 0,5 чой қошиқ туз, 100 гр дудланган балиқ, 100 гр пишлоқ.

## Тайёрланиши:

1. Духовкани 180 даражагача қиздириб кўямиз.  
2. Тухум, ёғ ва қатикни идишга солиб, яхшилаб аралаштириб оламиз.

3. Ун, разрыхлитель ва тузни яхшилаб аралаштирамиз ва элаб, юқоридаги суюқ масаллиққа қўшамиз.

4. Балиқ ва пишлоқни майда тўғраб, тайёр бўлган аралашмага қўшамиз ва яхшилаб аралаштириб, қолипга соламиз.

5. Қизиган духовкада 40 дақиқа ёки устки қисми чиройли қизаргунча пиширамиз.

